ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Шерали Махмудович Жўраев
Чирчиқ давлат педогогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақола Ватанимизнинг асосий кучи, тараққиётимизнинг асосий устуни бўлган Ёшларимизнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёни ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиялашда асосий устувор вазифаларини ўрганишга бағишланган. Шу билан бирга ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиялаш тизими ҳамда бугунги кунда ҳарбий ватанпарварлик тарбиялашда тўсқинлик қиладиган айрим муоммолар билан ҳам таништириб ўтамиз.

Калит сўзлар: Ватан, Ватанпарвар, ҳарбий, концепция, фахрий, хизматчи, Қўл жанги, Ёзги биатлон, Мерганлик

PRIORITIES OF EDUCATION OF YOUTH IN THE SPIRIT OF MILITARY PATRIOTISM

Sherali Makhmudovich Zhuraev
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the process of educating our youth in the spirit of military patriotism, which is the main strength of our country, the main pillar of our development, and the main priorities in the education of military patriotism. At the same time, we will acquaint young people with the system of military patriotic education and some of the problems that hinder military patriotic education today.

Keywords: Motherland, Patriot, military, concept, veteran, servant, hand battle, summer biathlon, sniper

КИРИШ

Ёшларни ҳарбий ватанпарлик руҳида тарбиялаш ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллати, тили, касби ва иштимоий келиб чиқишидан қатъий назар Ватанга бўлган садоқатини шакллантириш, фуқаролик бурчларини ва конституциявий мажбуриятларни бажаришга, жамият ва давлатимизнинг

манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг кўп босқичли, тизимли, мақсадли ва мувофиқлаштирилган фаолиятига айтилади. Ёшларни ҳарбий ватанпарлик руҳида тарбиялашда таълим муассасаларининг фаолияти асосий рол ўйнайди. Сабаби ёшларнинг асосий вақти таълим муассасида таълим-тарбия олишга қаратилган бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларида берилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича мамлакатимизда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Сабаби ёшларни ҳарбий ватанпарварлик рўҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган шароитда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифалар ва уларни ҳал етиш йўллари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг бу борадаги роли ва аҳамиятини, о‘заро ҳамкорлигини миллий ва халқаро ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 23-февралдаги 140-сон қарорига биноан “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш консепсияси” ишлаб чиқилган бўлиб ушбу консепциянинг 2 бобида Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ва асосий вазифалари аниқ белгилаб берилган. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

НАТИЖАЛАР

Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч еканини чуқур сингдириш;

- қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

- миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан йетук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч екани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

- ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

- ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига ега ёшларни тарбиялаш;

- Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун талаби еканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб бориш.

МУҲОКАМА

“Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш консепсияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси талабаларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича қўйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман:

Биринчидан мамлакатимизда Қуролли Кучлар соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва талабалар орасида ҳарбийлик касбига ҳурмат ва еътиборни янада кучайтириш мақсадида “маънавият соатлари”да Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига оид, ҳарбий касб ва ҳарбийлар ҳаётига оид мавзуларда машғулотларни тизимли ташкил этиш;

Иккинчидан 14 январ “Ватан ғимоячилари куни” муносабати билан бой ҳаётий тажрибага ега бўлган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда ғолибликни қўлга киритган ҳарбий хизматчилар ҳамда уруш қатнашчилари, бошқа жанговар ҳаракатлар қатнашчилари иштирокида талаба

ёшлар билан режали учрашувлар, давра сухбатлари, турли викториналар ташкил қилиш, муддатли ва контракт асосида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва талаба ёшлар ўртасида ҳарбий спорт мусобақаларини ташкиллаштириб бориш, ҳарбий соҳага оид мавзуларда иншолар танлови, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

Учинчидан 9 май “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратнинг аҳамиятини талаба ёшлар орасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш, ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш, ҳолидан хабар олиш мақсадида уларнинг яшаш жойига раҳбарлар иштирокида талаба ёшларнинг ташрифини ташкил этиш;.

Тўртинчидан таълим муассасаларида ҳарбий спортга оид тугаракларни ташкил этиш, жумладан “Қўл жанги”, “Ёзги биатлон”, “Мерганлик” каби спорт турларидан тугараклар очиш ва талаба ёшларни қатнашишини таъминлаш;

Бешинчидан таълим муассасасига яқин бўлган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмлари билан ҳамкорлик алоқаларини ташкил этиш, ватанпарварлик тарбиясига доир ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;

Олтинчидан таълим муассасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларини иштирокини таъминлаш ва ҳарбий хизматчилар билан маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш борасида тажриба алмашиниш.

ХУЛОСА

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасаларининг ўрни ниҳоятда катта бўлиб, таълим муассасасида таълим бериш билан бирга тарбиявий ишлар биргаликда амалга оширилади. Олий таълим муассасалари талабаларининг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим муассасасида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар, ҳарбий хизматчилар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тадбирлар орқали олиб борилади.

REFERENCES

1. Achilov, T., & Zufarov, T. (2019). Improvement Of Combined Actions Of Greco-Roman Style Wrestlers Taking Into Account The Specifics Of Competitive Activity. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(12), 1913-1917.
2. Choriyev, I. (2019). Efficiency Of The Model Of Formation And Development Of Readiness For Pedagogical Design In The Conditions Of Information And Communication Technologies. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7(12), 624-629.
3. Karaev, V. S. (2020). Competence And Competent: Different Approaches And Interpretations. International Journal for Innovative Engineering and Management Research, 9(9), 202-206.
4. Mamatkulov, R. S., Khudoyberganov, J. S., Yusupbaeva, A. S., & Umaralieva, D. U. (2020). Features of formation of readiness of future teachers for innovative activity by means of information technologies. International Journal for Advanced Research in Science & Technology, 10(06), 1-3.
5. Атабеков, Ф. У., Худойберганов, Ж. С., & Шукурллаев, Ж. М. (2020). Жисмоний тарбия дарсларида волейбол спорт турини ургатишда харакатли уйинлардан фойдаланиш. Малака ошириш тизимида спорт буйича мутахассисларнинг касбий компетентлиги механизмини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар, 212-214. 2.
6. Ачилов, Т. С. (2020). Оздоровительный бег, принципы самостоятельной тренировки. Maktab va hayot, 4(152), 43-44.
7. Караев, В. (2020). Физкультурно-спортивная деятельность как средство оптимизации подготовки профессионально-педагогических кадров. ACTA NUUz, 1(4), 79-81. 11.
8. Караев, В. Ш. (2020). Педагогические условия как фактор повышения профессиональной компетентности педагога физической культуры. Проблемы современной науки и образования, 6(151), 55-58.
9. Караев, В. Ш. (2020). Развитие профессиональной компетенции тренера в образовательном пространстве повышение квалификации. The World Of Science And Innovation, 1(1), 236-241.
10. Musurmanov, P., & Shermatov, M. (2020). Innovative Approaches To Developmant Of The Professional Competence Of Future Teachers. A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 1(1), 557-560
11. Зокиров, У. М. (2020). Эркин курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш усуллари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 306-314

12. Хабибуллаев, С. Х., & Зуфаров, Т. У. (2020). Профилактика заболеваний средствами физической культуры. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 315-324
13. Хонкелдиев, Ш. Х., Закиров, У., & Меликузиев, А. А. (2020). Эффективность разработанной методики повышения физической подготовленности юных борцов вольного стиля. Наука сегодня вызовы и решения, 1(1), 114-115
14. Нурматов, Ф. (2019). Пути преодоления стресса спортсменами в спортивной соревновательной деятельности. ACTA NUUz, 1(2), 36-39.
15. Нурматов, Ф. А. (2020). Использование средств профессионально-прикладной физической культуры для улучшения уровня подготовки студентов вузов. Мугаллим, 2(1), 165-169.
16. Султанов, А. И., & Исламбоев, С. А. (2020). Вариативность физической подготовки дзюдоистов на этапе углубленной специализации. Вестник науки и образования, 10(88), 82-85.
17. Abdulaxatov, A. R., & Sultonov, A. I. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy-madaniy munosabatlarni shakllantirish (kurash misolida). Maktab va hayot, 3(151), 20-21.
18. Чориев, И. Р., & Караев, В. Ш. (2020). Педагогическое проектирование физкультурно-спортивной деятельности будущих специалистов. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 333-341.
19. Шукурллаев, Ж. М. (2020). Ўқувчи-ёшларни волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. Academic Research in Educational Sciences, 1 (2), 342-348.
20. Shukrullayev, J. M. (2019). 7-14 yoshli maktab o'quvchilarini voleybol sport turiga tanlab olishning metodik xususiyatlari. Мугаллим, 2(1), 153-156.
21. Shermatov, M. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarini tayyorlashda innovatsion yondashuvlar. Xalq ta'limi, 1(3), 78-83
22. Musurmanov, P., & Shermatov, M. (2020). Innovative Approaches To Developmant Of The Professional Competence Of Future Teachers. A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 1(1), 557-560
23. Akhatov, L.K., Rasulov, A.N., Mirzorakhimov, O.K., Sharipov, M.L., & Ibrokhimov, F.A. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116